

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
“БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ” ФАКУЛТЕТИ**

**“МОЛИЯ ВА СУФУРТА ХИЗМАТЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**“Ҳимояга тавсия этилди”**

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома № 10 Г 24. 05. 2018 й.

**5230600 – “Молия” таълим йўналиши  
МК-314 гурӯҳ талабаси Алиқулов Худойбердининг  
«Молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали  
мавжуд барқарорликни таъминлаш йуллари(Самарқанд туман  
ҳокимлиги молия бўлими маълумотлари бўйича)» мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: к.ўқ. Хусанов Б.Ш.**

**Илмий маслаҳатчи: Восеев Ш.О. –**

Самарқанд туман ҳокимлиги молия бўлими  
мудири

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I.Боб.Молиявий назорат тизимининг иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.</b>	
1.1.Иқтисодиётни ривожлантиришда давлат молиявий назоратининг самарали тизмини яратишдаги ўрни.....	8
1.2.Молиявий назорат тизмини ривожлантиришнинг узликсизлигини ташкил этиш аҳамияти.....	13
1.3.Молиявий назоратни микродаражада самарали ташкил этиш ва баҳолашнинг хусусиятлари.....	16
<b>II.Боб.Молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳаларда молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиёти</b>	
2.1.Ижтимоий-иқтисодий йуналишдаги харажатларни самарадорлигини оширишда молиявий назоратнинг роли.....	21
2.2.Давлат муассаси булган Пенсия жамғармасида молиявий назоратни самарали ташкил этиш амалиёти.....	24
2.3.Ички молиявий назорат орқали корхона фаолиятини баҳолаш билан иқтисодий барқарор ўсишини таъминлаш омиллари.....	33
<b>III.Боб.Молиявий назоратни самарадорлигини таъминлаш йуллари ва истиқболлари.</b>	
3.1.Давлат молиявий назоратининг қонунийлигини таъминлаш омиллари.....	41
3.2.Молиявий назорат тизмини мукамал ривожлантиришини таъминлаш имкониятлари.....	45
3.3.Молиявий назоратни самарали ташкил этиш иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари.....	49
<b>IV.Боб. Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари</b>	
4.1.Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	52
4.2.Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	54
4.3.Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	59
4.4.Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	64
<b>Хуроса.....</b>	<b>68</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>72</b>

## КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки давридаёк бозор муносабатларига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнлари ўзига мос булган молиявий тизим ва механизмлар, шунингдек, молиявий назоратни шакллантиришни тақозо этди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кучли молиявий назоратни шакллантиришни давр талаби ҳисобланади. Молиявий назоратни такомиллаштириш доимо мамлакатимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида булди: Бу хусусида Президентимиз Ш.Мирзиёев фикр юритар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Албатта, Давлат бюджети улчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу - хаммага равshan ва рад этиб булмайдиган хақиқат. Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари хаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг ҳаражатига йилига 90 миллиард сум давлат маблағи сарфланади. Ана шу тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамоқдаки, уларнинг вазифаси гуё факатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдир.

Лекин фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб буладими? Бу - нафақат хато фикр, балки чуқур янглишиш, деб хисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?”.

Дархақиқат, ислоҳотлар изчилигини таъминлаш ва давлат бюджети ҳаражатларидан оқилона фойдаланиш жараёнида молиявий назоратнинг илғор усууларини қўллаш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хамда ҳаражатларни тежашда молиявий назорат органларининг профилактик тадбирларни ўтқазиши муҳим ахамият касб этади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Молиявий назорат тушунчасига жуда катта ахамият берилмоқда, баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, молиявий назорат бу молиянинг назорат функциясини амалга оширадиган шакли, бошқа олимлар эса ташкилий бошқарув нуқтаи

назаридан ёндашиб, махсус ташкил қилинган назорат органлари фаолияти деб таърифлашади. Куплаб олимлар молиявий назоратни бошқарувнинг функцияси сифатида куришади. Лим декларациясига кўра назоратнинг бошқарув тамойилларида шундай дейилган: “Назоратни ташкил қилиш бу молиявий маблағларни бошқаришнинг мажбурий элементи булиб ҳисобланади, бундай бошқарув жамоат олдида жавобгарликни келтириб чиқаради. Назорат - бирдан бир мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисми” ўрганилди аммо молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали мавжуд барқарорликни таъминлаш йуллари етарли даражада ўрганиш мавзунинг долзарблигини англатади.

**БМИ нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** БМИ Сам ИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси илмий – тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - Иқтисодиётни сиёsatдан холи ривожлантириш ва шу орқали молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали мавжуд барқарорликни таъминлаш йуллари ва тизимни самарали бошқариш орқали такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари. БМИ да қуйилган мақсадга эришиш учун қуийидаги вазифалар белгилаб олинди:**

- Иқтисодиётни ривожлантиришда давлат молиявий назоратининг самарали тизмини яратишдаги ролини ўрганиш;
- Молиявий назорат тизмини ривожлантиришнинг узликсизлигини ташкил этиш ахамиятини ўрганиш;
- Молиявий назоратни микродаражада самарали ташкил этиш ва баҳолашнинг хусусиятларини амалий ўраниш;
- Ижтимоий-иктисодий йуналишдаги харажатларни самарадорлигини оширишда молиявий назоратнинг роли ўрганиш;
- Давлат муассаси булган Пенсия жамғармасида молиявий назоратни самарали ташкил этиш амалиётини баҳолаш;

- Ички молиявий назорат орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш омилларини ёритиш;
- Молиявий назорат тизимини мукамал ривожлантиришини таъминлаш имкониятларини ёритиб бериш;
- Молиявий назоратни самарали ташкил этиш иқтисодий ўсишни таъминлаш истиқболларини таъминлаш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот обьекти** бўлиб, молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали мавжуд барқарорликни таъминлаш йулларини ривожлантириш билан боғлиқ молиявий муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали мавжуд барқарорликни таъминлаш йулларини ривожлантириш билан боғлиқ молиявий муносабатлари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** БМИ да иқтисодий таҳлил, мантиқий, қиёсий таҳлил ва маълумотларни гурухлаш, усулларидан фойдаланилди.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

-Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узвийлиги ва барқарорлигини таъминлашда у ёки бу шаклдаги текширишни муваффақиятли ўтказиш учун ички аудит хизматини ташкил қилиш зарур.

-Мамлакатимизда ички аудит соҳасида фаолият юритиш учун аудиторларга сертификат беришда АКШ тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ булар эди. Унга кўра сертификатлаш имтихони икки кунга белгиланиб,

- а) ички аудит назарияси ва амалиёти,
- б) бошқарув назарияси, математик усуллар ва ахборот технологиялари;
- в) бухгалтерия хисоби молия ва иқтисодиёт фанлари бўйича ўтказилади.

Бизнинг фикримизча, ушбу жараён орқали уз ишини устаси булган профессионал ички аудит ходимини танлаш имконига эга асосланди;

-Хўжалик юритувчи субъектда текширув ўтказиш жараёнида

аудиторнинг диққат эътиборини "Инқирозга қарши чора-тадбир дастури"да белгиланган вазифаларга қаратиш мақсадга мувофиқ булар эди;

- солиқ юкини аниқлаш мезонлари табиати иқтисодий барқарорлигини таъминлаши илмий жиҳатдан асосланган.

### **Илмий янгилиги:**

- режалаштирилган харажатларнинг зарурлиги ва устуворлигини аниқлаш лозим. Сунгра, молиявий ресурсларни мақсадли йуналишини каттик, назорат қилиш, яъни бир моддада фойдаланилмаган молиявий ресурсларни бошқа бир моддада сарфлаш, фойдаланиш ҳолатларига қатъий бархам беришни такомиллаштириш;

- давлат харажатарини амалга оширишда ошкоралик ва шаффоффликни тулиқ таъминлашга эришишни такомиллаштириш;

- давлат буюртмалари хисобига курилган йуллар, магистраллар, куприклар, бинолар ва иншоотларнинг кулами ва сарфланган маблағ хажмидан келиб чикиб, бир йилдан беш йилгача булган муддат ичida пайдо булган нуксон ёки камчиликларни ижрочилар уз хисобидан бартараф этиши ёки тасдиқланган молиявий харажатнинг 1 фоизидан 20 фоизгача булган қисмини айнан шу муддат тугагандан сунг йуналтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб усуллари ёритилди ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.** Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали мавжуд барқарорликни таъминлаш орқали, келажакда чукур ўрганишга бағишлиланган маҳсус тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти, БМИ нинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари республикамиз молиявий назорат тизимини соддалаштиришни таъминлашга оид қонун ва қонуности хужжатларини ишлаб чиқиша фойдаланиш билан белгиланади.

БМИ материалларидан олий ўкув юртларида “Молиявий назорат”, “Аудит”, “Молия” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсиялар Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлими томонидан 2018 йил май ойида тузилган далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот ишнинг синовдан ўтиши.** БМИ нинг асосий гоя ва хулосалари “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий семинарларида ва кафедра мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**БМИнинг тузилиши ва таркиби.** БМИ нинг таркибан кириш, тўрта боб, хулоса ва таклифлар адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, БМИ да 4 та диаграмма, 7 та жадвал мавжуд.

## **I.Боб.Молиявий назорат тизимининг иқтисодиётнинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти.**

### **1.1.Иқтисодиётни ривожлантиришда давлат молиявий назоратининг самарали тизмини яратишдаги ўрни.**

Мустақилликнинг дастлабки давридаёк бозор муносабатларига ўтиш, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнлари ўзига мос булган молиявий тизим ва механизмлар, шунингдек, молиявий назоратни шакллантиришни тақозо этди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кучли молиявий назоратни шакллантиришни давр талаби ҳисобланади. Молиявий назоратни такомиллаштириш доимо мамлакатимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида булди: Бу хусусда Президентимиз Ш.Мирзиёев фикр юритар экан, куйидагиларни таъкидлайди: “Албатта, Давлат бюджети улчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилона ишлатишни таъминлаш зарур. Бу - хаммага равshan ва рад этиб булмайдиган хақиқат. Шундай экан, нима учун Ғазначилик ва Назорат-тафтиш бошқармасининг аппаратлари хаддан ташқари кенгайиб кетган? Уларда жами 4 минг нафар ходим ишлайди ва уларнинг ҳарражатига йилига 90 миллиард сум давлат маблағи сарфланади. Ана шу тузилмалар раҳбар ва ходимлари шундай тасаввур билан яшамоқдаки, уларнинг вазифаси гуё фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдир.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг такидлаб утган яъни «Ҳокимларнинг ҳудудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб фаолияти устидан ҳалқимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиб бериш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур»<sup>1</sup>. Деган фикрлари куз унгимизда якол намоён булади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга мурожаатномаси.

Лекин фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижаларга эришиб буладими? Бу - нафақат хато фикр, балки чуқур янглишиш, деб хисоблайман. Бу борада профилактика ишларини ким самарали олиб боради?".

Дархақиқат, ислоҳотлар изчилигини таъминлаш ва давлат бюджети харажатларидан оқилона фойдаланиш жараёнида молиявий назоратнинг илғор усулларини қуллаш, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хамда харажатларни тежашда молиявий назорат органларининг профилактик тадбирларни ўтказиши муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида, товар ва пул оқимларини молиявий-иқтисодий бошқаришда давлат молиявий назоратининг самарали тизимини яратиш ўзига хос урин эгаллайди, бундан ташқари давлатнинг молиявий маблағларидан самарали фойдаланишнинг кафолати булиб давлат молиявий назорати ҳисобланади. Давлатнинг жамият олдидаги асосий вазифаларини бажаришдаги ролини ошириш бу амалдаги қонунчилликка мувофиқ давлат харажатлари ва молиявий оқимлар йуналишлари устидан самарали назоратни таъминлашга қодир булган замонавий молия тизимини яратишни талаб қиласди. Ўз навбатида молия тизими эса мавжуд усуллардан фойдаланиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш учун давлат молиявий жараёнларининг юқори даражадаги тиниқлиги ва шаффофлигини тамиnlайди.

Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари таъминланган хамда молиявий барқарорликка эришган ҳозирги даврда давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустахкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Молиявий назорат молия функцияларининг амалга оширилиш шакли булиб хизмат қиласди. У хам давлатнинг, хам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манбаатлари ва хуқуқларини таъминлашга қаратилган. Айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат тизими уз ичига қуйидагиларни олади<sup>2</sup>:

- давлат молиявий назорати;

---

<sup>2</sup> Ибрагимов А. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув кўлланма – Тошкент, 2009 й.

-контрагентлар билан молиявий хисоб-китоб муносабатлари жараёнидаги назорат;

- нодавлат молиявий назорати.

Иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатларда молиявий назорат, бир томондан, узаро таъсирчан ва иккинчи томондан, мустақил булган икки соҳага булинади:

- давлат молиявий назорати;
- нодавлат молиявий назорати.

Молиявий назоратнинг давлат ва нодавлат соҳалари назоратни амалга ошириш методларининг ухшашлигига қарамасдан, узларининг пировард мақсадлари буйича бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Давлат молиявий назоратининг бош мақсади давлат хазинасига ресурслар туширишни максималлаштириш ва давлат бошқарув харажатларини минималлаштириш булса, бунга қарама-қарши равишда нодавлат молиявий назоратнинг бош мақсади жойлаштирилган капиталдаги фойда нормасини ошириш мақсадида давлат фойдасидаги ажратмалар ва бошқа харажатларни минималлаштиришдан иборат.

Бошқа бир гурух иқтисодчи олимлар молиявий назоратни 3 та турга булишган:

- Давлат молиявий назорати;
- Идоралараро молиявий назорат;
- Аудиторлик назорати.

Россиялик иқтисодчи олим Е.Грачева молиявий назоратнинг қуидаги 4 та турини санаб ўтади:

- Давлат молиявий назорати;
- Идоралараро молиявий назорат;
- Ички хўжалик назорати;
- Аудиторлик назорати.

Айни пайтда молиявий назорат тушунчасига жуда катта ахамият берилмоқда, баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, молиявий назорат бу

молиянинг назорат функциясини амалга оширадиган шакли, бошқа олимлар эса ташкилий бошқарув нуқтаи назаридан ёндашиб, махсус ташкил қилинган назорат органлари фаолияти деб таърифлашади. Куплаб олимлар молиявий назоратни бошқарувнинг функцияси сифатида куришади. Лим декларациясига кўра назоратнинг бошқарув тамойилларида шундай дейилган: “Назоратни ташкил қилиш бу молиявий маблағларни бошқаришнинг мажбурий элементи булиб ҳисобланади, бундай бошқарув жамоат олдида жавобгарликни келтириб чиқаради. Назорат - бирдан бир мақсад эмас, балки тартибга солиш тизимининг ажралмас қисмидир”<sup>3</sup>.

Молиявий назоратнинг объектларига пул муносабатлари, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишдаги қайта тақсимлаш жараёнлари, шу жумладан, барча даражалардаги ва хўжаликнинг барча буғинларидаги пул фондлари шаклидаги молиявий ресурслари киради. Фойда, даромадлар, рентабеллик, таннарх, муомала харажатлари каби киймат кўрсаткичлари текширувларнинг бевосита предметидир. Пулдан фойдаланиш орқали ва айрим холларда пулсиз амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий назоратнинг соҳаси ҳисобланади.

Шунингдек, давлат молиявий назоратини давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурсларининг шаклланиши, тақсимланиши, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланишнинг қонунийлигини назорат қилиш фаолияти сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлат молиявий назорати иқтисодиётни ривожлантириш, барқарорлиги таъминлаш ва сифатли бошқариш жараёнини тубдан ўзгартирishнинг асосий муваффақиятларидан бири булиб хизмат қиласи. Шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратисиз давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий тизими нормал фаолият курсатиши мумкин эмас. Давлат молиявий назорати молиявий фаолиятнинг барча босқичларида амалга оширилади, яъни пул

---

<sup>3</sup> Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия. Ўкув қўлланма. – Т.: Академия 2001 й.

фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнида юзага келади.

Назорат чора-тадбирларни режалаштиришдан олдин, яъни дастлабки режалаштириш пайтида текширилаётган хўжалик субъектининг фаолияти билан танишиб чиқиши лозим. Вокеа ҳодисалар, операциялар, ишлатилаётган ҳисобат усуллари тўғри баҳолаш ва бирдай қилиш учун назорат чора-тадбирини ўтказаётган пайтда назоратчилар ана шу фаолиятни етарли даражада тушуниб етишлари керак, чунки улар текширишни олиб боришга ёки олинган натижаларга сезиларли даражажа таъсир ўтказишлари мумкин.

Хўжалик субъекти фаолиятини тушуниб етиш учун зарурятни белгилаб берувчи омиллар бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

-Ҳисобот даври мобайнида хўжалик субъектининг иқтисодий сиёсати, унинг стратегияси ва тактикаси;

-Хўжалик субъектининг ҳисоб-китоб қилиш сиёсати ва унинг қабул қилинган молиявий сиёсат йўналишларига мувофиқ келиши;

-Хўжалик субъектининг Хўжалик операцияларининг идентификация қилиш;

-Кўлланаётган меъёрий хукуқий актларининг тўғрилиги;

-Хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисботининг ҳаққонийлиги.

Назорат чора-тадбирини ўтказишнинг барча босқичларида қуидагиларни ўрганиш аҳамиятга молик:

- асосий фаолият;

-инвестисион фаолият;

-бошқа операциялар.

Текширилаётган субъект фаолиятини ўрганиш назорат чора-тадбирини ўтказишнинг барча босқичларида ахборотни тўплаш ва уни қайта ишлашдан иборат бўлган узлуксиз жараённи ташкил этади. Бунда кейинги босқичларда олинадиган ахборот олдинги босқичларда олинган ахборотларни тўлдиради ва аниқлаштиради.

## **1.2.Молиявий назорат тизимини ривожлантиришнинг узликсизлигини ташкил этиш ахамияти.**

Ўзбекистонда давлат молиявий назорати тизимининг ривожланиши узлуксиз жараён хисобланиб, у ўзининг ривожланишида маълум босқичлардан утган ва ҳозирда хам давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси доирасида ислоҳ қилинмоқда. Шунинг учун ҳозирги кунда молиявий назорат соҳасига янги истиқболли тизимлар ва усулларни жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати молия соҳасида интизомни ушлаб туриш, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги мажбуриятларини бажариш, хисоб ва хисобот қоидаларига амал қилиш самарадорлигини ошириш, давлат молия тизими барча буғинлари даромадлари ва харажатларининг қонунийлиги, давлат ресурсларидан тулиқ ва уз вактида фойдаланилишини таъминлаш, молиявий қонунчиликни бажарилиши ва амал қилинишини текширишга қаратилган.

Давлат молиявий назоратининг таъсирчан тизимини яратиш, молиявий маблағларни шакллантириш ва ишлатиш буйича давлат функцияларини муваффақиятли амалга оширишини таъминлаши керак ва давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини тезлаштиришга қаратилган булиши, хамда миллий иқтисодиёт ва молия тизимини мустахкамлашнинг омили сифатида қаралиши лозим.

Давлат молиявий назорати миллий иқтисодиётни ривожлантириш, жамият ва хусусий ишлаб чиқаришга таъсир курсатиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларини ошириш, илмий-техник тараққиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хамда бажарилаётган ишлар ва курсатилаётган хизматларнинг сифати ва хажмини оширишга қаратилган булиши керак. Давлат молиявий назорати бюджет тутғрисидаги қонун хужжатларининг молиявий назорат объектлари томонидан бўзилиши холларини аниқлаш, бартараф этиш ва унга йул

куймаслик мақсадида давлат молиявий назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофик амалга оширади.

Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет туғрисидаги қонун хужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бўзилиши холларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилади.

Куйида давлат молиявий назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган асосий вазифаларни келтиришимиз мумкин:

Давлат молиявий назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган асосий вазифалар

 Назарий асосни замонавий шароитларга мослаштириш

 Ташкилий тўзилмаларни ислоҳ қилиш

 Фаолият функциялари ва соҳдларини тақсимлаш

 Кадрлар таъминоти тизимини шакллантиришнинг яхлит илмий-тадқиқот ва ўқув базаларини яратиш

**1-расм. Давлат молиявий назоратининг яхлит тизимини яратишга қаратилган асосий вазифалар<sup>4</sup>.**

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий назоратни амалга ошириш давомида молиявий интизом ҳолати, қонунбузарликлар аниқланади ва давлат молиясининг келажакдаги фаолиятини такомиллаштириш учун асос яратилади.

Давлат молиявий назоратининг обьекти сифатида давлат маблағларини ишлатиш ва шакллантириш билан боғлиқ булган хўжалик ташкилотлари субъектларининг фаолияти жараёнида вужудга келадиган барча пул муносабатлари тушунилади.

Молиявий назорат белгиланган маълум тамойиллар асосида ташкил қилинади ва утказилади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 172-моддасида Давлат молиявий назорати принциплари келтирилган, жумладан давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги, шунингдек давлат молиявий назорати натижаларининг ишончлилиги ва холислиги давлат молиявий назоратининг принциплари асосланиб ёритиб берилган.

### **1.3. Молиявий назоратни микродаражада самарали ташкил этиш ва баҳолашнинг хусусиятлари.**

Хўжалик юритувчи субъектлар тизимининг истиқболли ривожланиши молия назорат фаолияти билан бевосита боғлиқ булган муаммолар аудити ва тахлилини самарали ташкил этиш, уларнинг ечимини илмий асосда хал қилиш алоҳида ахамиятга эга. Ушбу объектив жараёнларнинг барчаси хўжалик юритувчи субъектлар тизимида ички назоратни такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур муаммони оқилона хал этишга хизмат қилувчи масалаларнинг биринчиси назоратнинг моҳиятига тааллуқли булиб, ички аудитнинг моҳиятини аниқлашга хизмат килувчи таърифларни қиёсий тахлил қилиш натижасида, бизнинг фикримизча, қуйидаги бир неча муҳим хуносаларни чиқариш мумкин:

1.Умумий қесишув нуқталари булишига қарамасдан, ички аудитнинг моҳиятини ифодаловчи мавжуд таърифлар бир-биридан ҳам шаклан, ҳам мазмунан фарқ қиласди.

2.Куп ҳолларда ички аудит "корхона томонидан унинг уз фаолиятини текшириш ва баҳолаш мақсадида ташкил этилган хизмат" тарзида талқин этилади;

3.Ички аудит "ички хужжатлар асосида бошқарув тизимидағи ва ташкилот фаолиятидаги турли буғинлар назоратини олиб борувчи маҳсус тизим" сифатида эътироф этиляпти;

4.Айрим ҳолларда, ички назорат "умумий аудитнинг негизидан иборат булиб, мулқдорлар хукуқини ҳимоя қилувчи тизим" сифатида умумий куринишда ифодаланяпти.

Юқоридагилардан келиб, чиқсан бизнинг фикримизча, ички молиявий назоратнинг моҳиятини тулароқ ифодалашга хизмат қилувчи қуйидагича таъриф бериш мумкин.

"Ички молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектларнинг узида мукаммал билимга эга булган ходимлари томонидан ташкил қилинган маҳсус фаолият тури булиб, мулкдорлар хуқуқини ҳимоя қилувчи тизим сифатида ташкил этилган, бошқарув тизимидағи буғинлар назоратини олиб борувчи ҳамда бошқарув тизимига ёрдам берувчи тизимдир"<sup>5</sup>. Бу фаолият турининг хусусияти шундаки, ички молиявий назорат корхона раҳбарига буйсунган ҳолда, лавозимлари корхона штатида белгиланади. Шу уринда дикқатни ички аудитга қаратиш ҳам муҳимдир.

Ички аудиторлар, авваламбор хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш технологиясини яхши билишлари, бундан ташқари бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, хуқуқшунослик каби йуналишлар буйича мукаммал билимга эга булишлари лозим. Улар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти жунатишнинг барча буғинларини текшириш билан шуғулланиб, жойларда меъёрий кўрсаткичлар ва амалдаги қонун талабларидан четга чиқишлиарнинг юзага келиш сабабларини, буғинлардаги заиф жойларни аниқлайдилар ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхшилаш имкониятларни қидириб топадилар. Ички аудитнинг хўжалик юритувчи субъектлар учун ахамиятли томонларидан бири, у раҳбариятни бошқарув қарорлари қабул қилиш учун тезкор маълумотлар билан таъминлаб туради.

Шуни тъкидлаш лозимки, ички аудит ташки аудит пайдо булгандан кейин юзага келди ва айниқса, тизимли йуналтирилган аудит ривожланиши билан заруриятга айланди. Ушбу зарурият шу билан бояланганки, ички аудит асосида ички назорат тизимини такомиллаштириш, уни зарурий даражада сақлаб туриш амалга оширилади, аксарият лолларда ташки аудитни ўтказишда ички назорат тизимига таяниш, аудиторлик рискини пасайтириш имконини беради.

Республикамизнинг бозор муносабатларининг янгича шароитларида фаолият курсата оладиган хўжалик юритувчи субъектларида ички аудитни

<sup>5</sup> Яхшибоев Ф.Қ. "Молиявий назорат". Услубий қўлланма Т.: Иқтисод-молия, 2007 йил.

шакллантириш катта ахамиятга эга. Чунки ички аудит утказилган текширув натижаларини умумлаштиради ва бу хусусда ахборотни хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим этади. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришда камчиликсиз иш булмайди ва юзага келган хато хамда камчиликларни ички аудит хизмати текшируви очиб беради. Шундай экан, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар уз хато ва камчиликларини узлари кўра билиб, тузатишлари мақсадга мувоғик булади. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга олиб келади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган холда, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш босқичларини янада яққолроқ ифодаловчи қуидаги чизмани ишлаб чиқиш мумкин (1-чизмага қаранг).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъектларда иш олиб бораётган ички аудиторнинг фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш учун бизнинг фикримизча қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- бухгалтерия хисоботлари ва даромадлари туғрисидаги декларацияларни тузиш ва иқтисодий субъектнинг активлари ва пассивларини баҳолаш;
- молия, солиқ банк ва бошқа хўжалик қонунчилиги буйича маслаҳатлар бериш;
- кадрлар малакасини ошириш ва мавжуд янгиликлар билан уларнинг билим хамда кўникмаларини бойитиб бориш мақсадида қайта ўқитиш

Шунингдек ички молиявий фаолиятига боғлик бир қанча омиллар мавжуд булиб, улар қуидагилардан иборат:


- хўжалик юритувчи субъект раҳбариятини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари буйича хўжалик юритувчи субъект фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш хамда аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан

хўжалик юритувчи субъект бошқарув органларига уз тавсияларини бериш ва уларни бартараф этилишини назорат қилиш;

— ички молиявий назоратни амалга ошириш мобайнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг хужжатларини, жумладан, раҳбар буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, хисобкитоблар, зарур хужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа хужжатларни ҳамла ушбу масалага тааллуқли хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор ва масъул шахсларидан оғизаки ва ёзма тушунтиришлар олиш хуқуқидан фойдаланиш:

— хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш, керак булса, натижавий прогнозлаштиришни амалга ошириш ва уни раҳбариятга етказиш;

— ички молиявий назорат хўжалик юритувчи субъектлар кузатув кенгашига бевосита буйсуниш билан бир қаторда, ички аудит хизмати раҳбари ва унинг ходимларини лавозимларга тайинлаш ҳамда эгалаб турган лавозимидан озод эгиш, хўжалик юритувчи субъектлар кузатув кенгашининг қорорлари буйича уларга иш ҳаки миқдорини ва бошқа туловларни белгилашда мустақиллик бериш.



## **2-чизма. Ички аудит хизмати тизмини ташкил этиш босқичлари<sup>6</sup>**

Албатта, мамлакатимизда ҳам бозор талаблари ҳисобга олган ҳолда, ички аудит хизматига эътибор кучайиб, унга катта эхтиёж пайдо булди. Булардан асосий мақсад, аудиторга барча ваколатларни берган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини холисона текшириб, Кузатув кенгashi томонидан йул қуйилган хато ва камчиликлар туғрисида хўжалик юритувчи субъектларга уз вактида маълум қилиш имкониятини яратиш эди. Лекин тажрибалар, йил яқунлангандан сунг, аудиторлик ташкилотлари факатгина хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ идораларига аудиторлик хулосасини тақдим этиши учун корхона бухгалтериясининг туғри юритилиши текширилганлигини, аммо, корхона ижроия органи томонидан корхоналар манфаатларига риоя қилиниши ҳолатига умуман эътибор берилмаганлигини курсатмоқда.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тадқикот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

## **II.Боб. Молиявий назоратни самарадорлигини баҳолаш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳаларда молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиёти.**

### **2.1. Ижтимоий-иқтисодий йуналишдаги харажатларни самарадорлигини оширишда молиявий назоратнинг роли.**

Дунё хамжамиятияга назар соладиган булсак, хар бир мамлакатда фалият юритувчи субъектлар шартли равишда уч гурухга булинади. Жумладан: давлат, хўжалик субъектлари ва шахслар. Бозор иқтисодиёти шароитида жамиятни мувофиқлаштириб турувчи мазкур субъектлар фаолиятини молиявий ресурсларсиз тасаввур этиб булмайди. Чунки дунёда кескин рақобат муҳити хукмрон булган бир шароитда хар бир субъект ўзига хос молиявий даромадларни шакллантиради ва даромадларига мос равишда харажатларни амалга ошириб боради. Шуни алоҳида кайд этиш хоизки, бизнингча, даромадларнинг ўз вақтида шаклланиши, бевосита амалга оширилаётган харажатлар самарадорлигига боғлиқ.

Биз мазкур мақолада жамиятнинг ўзагини ташкил этувчи давлат ва у амалга ошираётган айрим, харажатларнинг самарали ташкил этилишини таъминлашга қаратилган молиявий назорат масалаларига эътибор қаратамиз.

Бизнинг фикримизча, хар бир мамлакатда давлат алоҳида субъект белиши билан бирга, жамиятни бошқарувчи асосий узак хам ҳисобланади. Давлат жамиятни бошқариш учун бир қатор функцияларини бажаради. Аммо шулар ичидаги энг асосийлари таркиби<sup>7</sup>:

- сиёсий функция;
- ижтимоий функция;
- иқтисодий функция;
- мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш функцияси;
- экологик муаммоларни бартараф этиш функциясини киритиш мумкин.

---

<sup>7</sup> Яхшибоев Ф.Қ. “Молиявий назорат”. Услубий қўлланма Т.: Иқтисод-молия, 2007 йил.

Давлат юқорида кайд этилган хар бир функцияга мос равища соҳа-йуналишларини амалга ошириб, уни доимо молиявий маблағлар билан таъминлаб боради. Таъминлаш манбалари асосан, давлат молияси ва унинг таркибий қисми булган давлат бюджети хамда бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларидир.

Сиёсий соҳа йуналишлари, асосан, давлат бюджети даромадлари хисобидан молиялаштириб борилади. Мазкур йуналишга кўра, асосий фаолият мамлакатнинг ер қуррасидаги бошқа мамлакатлар билан сиёсий алоқаларини ташкил этиш, уни изчил ривожлантириш, хорижий давлатларда элчилар ва консуллик хизматларини саклаш, мамлакат фуқароларининг у ёки бу давлатга саёт, хизмат сафари, қавми-қариндошларини куриш каби ҳолатларини қулай ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

Бизнинг мамлакатда ижтимоий соҳа йуналиши асосий харажатлардан бири хисобланиб, унинг тармоқлари хилма-хил ва ранг-баранглигидир. Халқ таълими, соғлиқни саклаш, пенсия таъминоти, илм-фан, маданият, ишсизликнинг олдини олиш, ижтимоий ҳимоя ва бошқалар шулар жумласидандир. Шуни алоҳида кайд этиш жоизки, бошқа МДҲ ва хорижий мамлакатларга нисбатан бизнинг мамлакатимизда мазкур йуналиш ҳукуматимизнинг диққат марказидадир. Бунинг хам ўзига хос сабаблари бор, албатта. Мазкур соҳа йуналиши харажатларининг асосий қисми давлат бюджети хисобидан амалга оширилса, бошқа бир қисми бюджетдан ташқари мақсадли давлат жамғармалари хисобидан таъминланади.

Иқтисодий соҳа йуналиши хам давлат амалга ошираётган асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Айтиш лозимки, иқтисодий соҳа йуналишларининг аксарият қисмини хўжалик субъектлари ва шахслар амалга оширади. Лекин хўжалик субъектлари ва шахсларнинг имкон даражасида булмаган айрим обьектлар хам мавжуд. Масалан, катта шахарларда метрополитен куриш, иқтисодий ночор худудларда улкан корхоналар барпо этиш, йирик-йирик қувур йулларини жойлаштириш, халқаро магистраллар бунёд этиш ва х.к. Бинобарин, обьектларни барпо этиш, улкан иншоотлар

куриш ва тулиқ амалга оширилмаса, мамлакатда муаян иқтисодий хавфсизлик ҳолати, юзага келиши мумкин. Шу боис бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш ва жамиятни изчил ривожлантириш мақсадида мамлакат бир бутунлигини таъминлаш учун давлат айрим харажатларни уз хисобидан амалга оширади. Давлат иқтисодий соҳа харажатларини асосан бюджет маблағлари хисобидан бажаради.

Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш хар бир мамлакатнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда сиёсий барқарорлик, ижтимоий қадриятлар ва иқтисодий салоҳиятни юксалтириш миллий хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқ. Мамлакатда миллий хавфсизлик таъминланмас экан, хорижий стратегик инвесторларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш жараёни кутилган самарани бермайди. Мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш харажатларининг аксарият қисми давлат бюджети хисобидан молиялаштирилади.

Экологик муаммоларни бартараф этиш учун давлат томонидан молиявий маблағлар сарфлаш борасида сунги вақтда ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бунга таъсир этган бир қатор объектив ва субъектив сабаблар бор, албатта. Экология муаммоларини, шартли равишда маҳаллий, миңтақавий ва дунёвий экологик муаммолар сифатида уч гурухга ажратиш мумкин.

## **2.2.Давлат муассаси булган Пенсия жамғармасида молиявий назоратни самарали ташкил этиш амалиёти.**

Молиявий тизимни бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири - бу молиявий назоратдир. Молиявий назоратнинг зарурлиги, унинг моҳияти ва ахамияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан аниқланади. Ўзбекистонда молиявий назорат Конституциямизнинг 14-моддасидаги “Давлат уз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кузлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деган қоидани хаётда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

Давлат бюджет таъминоти тизимларида хам молиявий ресурсларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиш жараёни хар доим маълум мақсадларга эришишга қаратилган булиб у ўзига хос тарзда тартибга солиш ва рағбатлантириш тамойиллари асосида бошқариб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодексига асосан давлат бюджети, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларини молиявий назоратини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб-палатаси хамда Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга бир қатор ваколатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳисоб-палатаси:

➤ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солик ва бюджет сиёсатининг асосий йуналишлари лойихалари буйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига хulosса тақдим этади;

➤ Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси туғрисидаги йиллик ҳисобот буйича ташқи аудит ва баҳолашни амалга оширади хамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига хulosса тақдим этади;

➤ вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар хамда банкларнинг бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харожатлари моддаларининг мақсадли

ижросини бошланғич маълумотлар буйича назорат қилиш имконини берувчи ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш имкониятига эга булади;

➤ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисмининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказади;

➤ Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси қонун хужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни хам амалга ошириши мумкин. Ижтимоий молиявий ресурсларни, яъни давлат бюджетини бошқариш жамият олдидаги масъуллик асосида кечади. Унинг натижасида эса давлат, шунингдек хар қандай даражадаги бошқарув унсури сифатида молиявий фаолиятни назорат қилишга, табиий равишда зарурат туғилади. Шунингдек, мамлакатимиздаги ижтимоий соҳанинг асосий буғини хисобланмиш пенсия тизимида пенсия ва нафақаларнинг уз вақтида таъминланишини назорат қилиш, молиявий барқарорлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар амалга оширилиши асосий дастаклардан ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февраль ойидан кучга кирган "Иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тулаш механизмини такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятига пенсияларнинг қонунчиликда белгиланган муддатда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай туланишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шу ўриндада пенсия таъминоти тизимини туғри ташкил этиш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ресурсларини мақсадга мувофиқ бошқариш, уринли молиявий назоратини амалга ошириш хамда фонд фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилиб қонуний-хуқуқий асослар мустахкамланмоқда.

Хусусан, миллий Пенсия жамғармасининг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган булсақ, Ўзбекистон 1991 йилгача Собик Иттифок таркибида булғанлигини хисобга олсак, ахолини пенсия билан таъминлаш миллий қонунчилигининг эволюцияси Собик Иттифоқнинг ахолини пенсия билан таъминлаш қонунчилигига боғлиқ булганини куриш мумкин. 1991 йилда Ўзбекистон мустақил булиши билан мамлакатимиз иқтисодий ислоҳатларининг мақсади кучли ижтимоий сиёсатга асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш булди.

Ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотига қаратилган давлат маблағларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида 1993 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузурида ижтимоий суғурта фонди ташкил этилди. Ушбу даврда иқтисодий ислоҳатларнинг ривожланиши, янги мулкчилик шакллари ва эркин хўжалик муносабатларининг вужудга келиши сабабли ижтимоий суғурта фондига суғурта маблағларини йиғиш, толовларнинг тулиқлиги ва уз вақтида амалга оширилиши, пул маблағларини туғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасидаги асосий вазифаларни бажариш борган сари қийинлашиб борди.

Дастлабки босқичда суғурта толовларнинг ижтимоий суғурта Фондига йигилиши буйича масъулият фақат фонднинг узида булган булса, харажатларининг хажми, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизmlари, пенсия ва толовларнинг қонуний расмийлаштирилишини асослаб бериш, уларни хисобга олиш, хисботларини тайёрлаш ва етказиб беришга вазирликлар ва муассасалар жавобгар эди. Фуқароларга пенсия ва толовларни расмийлаштириш ва амалга оширишдаги тезкорлик, назорат ва самарадорликни ошириш мақсадида 1996 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия Фондини ташкил этиш туғрисида” ги №459 сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида пенсия таъминоти тизимида назорат бир мунча енгиллашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2000 йил 15 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” ги Қарорини қабул килди. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Пенсия Фонди 2001 йил 1 январидан Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондига қайтадан ташкил этилди. Ушбу вақтдан бошлаб Пенсия фонди маблағларининг тулиқ тупланиши ва бюджетдан ташқари Пенсия фондига келиб тушиши буйича назорат вазифалари Ўзбекистон Республикаси Солик қумитасига, бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқариш, нафақа туловларининг тушум ва харажатларининг йиллик ва чорак прогноз балансларини шакллантириш, ахолига нафақа ва туловларни уз вақтида хисоблаш ва амалга ошириш эса қайтадан ташкил этилган Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига юклатилди.

Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазири Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондининг маблағларини бош бошқарувчиси, ушбу вазирликнинг жойлардаги худудий идораларининг раҳбарлари эса Пенсия фонди худудий бўлимлари маблағларининг бошқарувчиси мақомига эга булди. Бюджетдан ташқари Пенсия Фондига тушум хажмларини шакллантириш буйича умумий мувофиқликни таъминлаш, фонд маблағларининг мақсадли ва уз вақтида ишлатилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилди.

Пенсия таъминоти тизимида давлат молиявий назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 21 октябрь кунидаги “Бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқаришни такомиллаштириш буйича қўшимча чора-тадбирлари туғрисида” ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари булиб иш хақи фондидан ҳисобланадиган ягона ижтимоий туловдан ажратмалар, фуқаролар даромадидан ажратиладиган суғурта бадаллари хамда товар реализацияси (ишлар ва хизматлар) хажмидан мажбурий ажратмалар ҳисобланади. Маълумки, юридик шахслар томонидан туланувчи ягона ижтимоий тулов ставкасининг салмоқли қисми, яъни 25% нинг 24,8 фоизи, кичик микрофирмаларга жорий этилган 15 фоизнинг 14.8 фоизи пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш учун ажратилади. Шунинг учун хам пенсия таъминоти тизимида самарали молиявий назоратни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Давлат пенсия таъминоти тизимида назоратни кучайтириш хамда мониторингни яхшилаш борасидаги қадамлардан яна бири булиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2015 йил 30 январдаги 6-сон буйруғига Илова тарзида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа туловларни тулашни ташкил этиш тартиби туғрисидаги Йуриқнома” нинг қабул қилиниши ҳисобланади. Давлат пенсиялари ва нафақаларини уз вақтида тайинлаш, ҳисоблаш хамда туловини амалга ошириш мақсадида Пенсия ва нафақалар тулови мониторинги гурухи ташкил этилади.

Мазкур Йуриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти туғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа туловларни тулашни ташкил этиш, ҳисобини юритиш ва мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаб берди.


Иқтисодий жихатдан тарақкий этган мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистонда хам ижтимоий таъминот тизимиning асосий манбаи булиб

пенсия таъминоти тизими ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизнинг салмоқли қисмини ижтимоий ҳимоя остидаги ахоли ташкил этади, шунга мувофиқ тарзда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг юқори улуши хам ахолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига сарфланади. Давлат пенсия таъминоти тизимида молиявий назоратни туғри ташкил этиш, уз вақтида мониторинг олиб бориш юзасидан амалга оширилаётган ишлар қонуний-хукуқий нормативлар асосида мустахкамланиб борилаётгани мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда пенсия тизими ижтимоий сиёсатининг устувор йуналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Давлат ижтимоий суғуртаси буйича тайинланадиган ва туланадиган пенсиялар, нафақалар фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда етакчи урин тутади. Шундай экан ушбу соҳада молиявий ресурсларни туғри ва оқилона бошқариш, молиявий назоратни кучайтириш муҳим ахамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида давлат томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадли сарфланиши, ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш Республикализ учун нихоятда муҳим масалалардир. Жумладан, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси орқали йуналтирилган харажатлар фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий ахамиятга хам эгadir, чунки улар ахолининг хамма қатламларига дахлдор ва меҳнат ресурсларининг булажак сифатини шакллантиради. Шунинг учун инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратиб берилиши ижтимоий ислоҳатларнинг бош мақсадидир. Бу жараённи амалга оширишда пенсия фонди ресурсларини самарали бошқариш ва назорат қилиш хамда унинг маблагларидан фойдаланиш йуналишларини такомиллаштириш масалалари долзарб ахамиятга эга. Бу борада Узбекистан Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Ижобий таркибий ўзгартиришлар ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари туфайли ахолининг реал даромадлари 11 фоизга ошди.





1-диаграмма. Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари динамикаси, млрд. сум<sup>8</sup>

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш хақи 15 фоизга, пенсия ва ижтимоий нафақалар - 12,1 фоизга, ахоли жон бошига реал даромадлар - 11 фоизга усди, 726 минг нафарга яқин ахолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди” - дея таъкидланган фикрлари муҳим ахамият касб этади.

Пенсия жамғармасининг 2010-2017 йиллардаги даромадлари ва харажатлари ҳолатини юқоридаги таққослама графикдан куришимиз мумкин. Бунда Пенсия жамғармасининг даромадлар қисми 2010-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга булса, 2015 йилга келиб жамғарма манфий колдикка эга булган. Ушбу кўрсаткичнинг моҳиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тизимини самарали олиб борилганлиги, пенсия ва нафақа олувчилар сонининг ўсиши ва асосийси, ўртача умр давомийлиги узайганлиги билан изохлашимиз мумкин. Шунингдек, 2017 йил якунларига кўра Жамғарма ижобий колдикка эга булиб, даромадлари 16881 млрд. сумни хамда харажатлари 16781,3 млрд. сумни ташкил қилган.


## **2.3. Ички молиявий назорат орқали корхона фаолиятини баҳолаш билан иқтисодий барқарор ўсишини таъминлаш омиллари.**

Ички текширувлари етарли даражада булишига эришишнинг асосий мезонлари қўйидагилардан иборат:

- ташкилий тузилишнинг самаралилигига баҳо бериш ва амалга оширилаётган тадбирларнинг бухгалтерия ҳисоби сиёсатига мос келиши;
- активлар сакланишига қаратилган тадбирларнинг мажбурийлиги, ҳамда самарали ички аудит дастурининг мавжудлиги.

Шуларга амал қилингандан сўнггина, ички аудит утказилган текширув натижаларини умумлаштиради ва бу хусусда ахборотни корхона кенгashi раҳбариятига тақдим этади.

2-диаграмма



Самарқанд туман ҳокимлиги молия бўлими томонидан ўтказиладиган ички молиявий назорат ҳолати маълумотлардан куриниб урибики туман миқёсида ички молиявий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш сон жихатдан охирги 5 йил давомида 230 тадан 140 тага туширилди. Мазкур назорат орқали корхона фаолиятига укни самардорлигини оширилишига туғри баҳо берилди. Катта миқёсида молиявий маблағлар иқтисод қилиб қолиниши туманни дотациядан чиқишида муҳим рол уйнайди. Республикаизда яратилаётган кулай иқтисодий муҳит туфайли корхоналар сони ва активлари борган сари купаймокда хамда уларнинг мамлакатимиз ривожланишидаги нуфузи ошмокда. Корхоналарнинг иқтисодий юксалиши қатор омилларга, энг асосийсий, жамият ижро органи томонидан корпоратив бошқарув тамойиллари кай даражада бажарилишига боғлиқдир.

Ички молияй назорат бозорда маҳсулот сифатининг ўсиши, таннархнинг пасайиши, бозор эҳтиёжларини билиш ва шу тариқа иш самарадорлигини ошириш хисобига муваффақиятли рақобатлашиш мақсадида, асосан, йирик хўжалик юритувчи субъектлар учун зарур булган ички назорат тизимининг элементи сифатида куриб чиқиш зарур. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритувчи субъект ривожланиши ва фойда олиш учун барча воситалар излаб топилади, шу сабабли куп сонли мулк эгалари ички аудитнинг сифатли ишлашидан манфаатдор булади.

Иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш шарбитида молиявий назорат аудит эгасига иқтисодий воситалар билан назорат қилиш тизими орқали корхоналарнинг барқарор молиявий ҳолатини таъминлашга имкон яратади.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички молиявий назорат самарали булиши учун хўжалик юритувчи субъектлар менежменти савиясини ошириш мақсадга мувофиқдир. У утиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган хорижий мамлакатлар мутахассислари томонидан таклиф қилинган методик тамойиллар, илмий ютуқларни тахлил қилишга ҳамда уларни муваффақиятли ишлаб чиқаришда қатнашган мутахассисларнинг амалий тажрибасига асосланган булади. Ана шу тамойилга мувофиқ иш тутилса, бу хўжалик

юритувчи субъекгда ички аудит тизими хўжалик юритувчи субъектлар юқори раҳбаријатининг манфаатларини кузлаган ва бошқарув вазифаларини самарали амалга оширишни вужудга келтирган булади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан, ҳолда қуидаги хulosаларни чиқариш мумкин, яъни:

— Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узвийлиги ва барқарорлигини таъминлашда у ёки бу шаклдаги текширишни муваффақиятли ўтказиш учун ички аудит хизматини ташкил қилиш зарур.

— Мамлакатимизда ички аудит соҳасида фаолият юритиш учун аудиторларга сертификат беришда АКШ тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ булар эди. Унга кўра сертификатлаш имтихони икки кунга белгиланиб:

- а) ички аудит назарияси ва амалиёти,
- б) бошқарув назарияси, математик усуллар ва ахборот технологиялари;
- в) бухгалтерия хисоби молия ва икгисодиёт фанлари буйича угказилади.

Бизнинг фикримизча, ушбу жараён орқали уз ишини устаси булган профессионал ички аудит ходимини танлаш имконига эга булинади.


— Хўжалик юритувчи субъекгда текширув ўтказиш жараёнида аудиторнинг диққат эътиборини "Инқирозга қарши чоралар дастури"да белгиланган вазифаларга қаратиш мақсадга мувофиқ булар эди. Бунда

**биринчидан**, корхоналар ишлаб чиқаришининг давомийлигини белгилаш мақсадида уларни модернизация қилиш, техниқ ва технологик жихозлаб бориш учун корхона жамғармасини назорат қилиш;

**иккинчидан**, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини катый назорат остига олиш хисобига тежамкорликка эътибор қаратиш каби ички аудит назоратига қўшимча киритиш фойдадан ҳоли булмас эди.

Ушбу ишни ёзиш вақтида биз туман бўлимидаги курсатиб келувчи корхоналар билан сурʼов ўтказиб диққатни қуидагиларга қаратдик (3-чизма)

## Корхонанинг назорат муҳити таркиби<sup>9</sup>



Молиявий назорат муҳити бошқарув ва ижро этувчи ваколатларини, корхонанинг жойини, ишлаб чиқариш қобилиятини, корхона рахбариюти ва бошқарувга нисбатан ахамиятли булган кишиларнинг харакатларини уз ичига олади. Баҳолаш жараёнида корхона ходимларининг ваколатлари таҳлил қилинади, рахбарият тузилмаси, корхонанинг ташкилий тузилмаси, бошқарищда ходимларнинг маъсулияти, уларнинг иш услуги ва ваколатлари, кадрлар сиёсати ва амалий имкониятлари хуқуқий доирада олиб

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

борилаяптими ёки йуқлиги кузатиб борилади. Ушбу ҳолатни қуйида келтирилгандык жадвал маълумотларидан куриш мумкин.

Шунингдек, аудитор хам дастлаб бухгалтерия хисобини маҳсус соҳаларини текишириб, бухгалтерия тизими самарадорлигига баҳо берип, ички назорат тизимини ишончлилигини текширади. Бу корхона ва аудитор ўртасида келажакда юз бериши мумкин булган хисоб билан боғлик, муаммоларни бартараф этишга хизмат қиласи.

Корхона риск даражасини баҳолаш бўлимининг асосий вазифаси рискни баҳолашга қаратилган булиб, у тадбиркорлик билан боғлик, риск оқибатлари, молиявий хисобот юзасидан туғри қарор қабул қилиш чора-тадбирларини аниқлаш учун мулжаланган. Риск доимий равишда текширилиб борилса, самарали ички назорат тизими фаолият кўрсатади. Баъзи ҳолатларда назоратсиз рисклар ички назорат тизимида ўзгартириш киритишга сабаб булади. Бу эса корхонанинг харажатларини купайтиришга сабаб булади холос.

Корхонада риск даражаси ташқи муҳитда булган узгаришлар хисобига юзага келади (қонунчиликдаги узгаришлар, валюта риски, кредит риски, бозор риски, операцион риск, фоиз риски ва бошқалар билан боғлик рисклар) шунингдек, ходимларнинг алмасиниши, доимо фойдаланиладиган ёки янги узгартирилган ахборот тизимларини жорий этиш, янги технологияларни кириб келиши. бошкдрув фаолиятини тез суръатларда ўсиши, янги хизмат ва янги маҳсулот турларининг юзага келиши, корхонани қайта ташкил этиш, фаолиятни чет элда кенгайтириш ва хоказо каби узгаришлар сабаб булиши мумкин.

Молиявий хисобот тизими билан боғлик булган ахборот тизими - корхонанинг активларини юритиш учун корхона операцияларини кайд этиб бориш, маълумотларни қайта ишлаш, капитал ва мажбуриятларни ёзувда туғри акс эттириш, активларни сақлаш учун мужалланган.

Ички молиявий назорат тизимини баҳолаш жараёнида маълумотларни қайта ишлаш, уни хисобга олиш, барча операциялар туғрисидаги хисобот

маълумотларини топшириш, умуман олганда хўжалик операциялари тахлил қилинади. Самарали ички назорат тизими ташки бозор туғрисидаги маълумотларни, кенг қамровли норматив талабларга мувофиқ молиявий ахборотларни, шунингдек, қарор қабул қилишдаги тезкорликни талаб қиласди, бу ҳолатда ахборот ишончли, уз вақтида, яхши ва тугри ижро қилиниши керак. Самарали ички назорат тизими корхонанинг барча асосий фаолиятни қамраб олувчи ишончли ахборатга хам қаратилиб, молиявий назорат учун бу жуда муҳим деб хисоблаймиз. Бюджет ташкилотлари томонидан амалга оширилувчи ички молиявий назорат бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, тулақонли булиши мумкин эмас.

**Биринчидан**, ходимлар ташкилот амалга ошириладиган операциялар мажмуини ва унинг барча нозик жихатларини доим хам пухта билавермайди. Чунки у ёки бу иш жабхаларига баъзан мазкур булинмаларнинг иш хусусиятлари билан яхши таниш булмаган раҳбарлар тайинланади. Баъзида шундай ҳолатлар юз берадики. Хатто тажрибали ходимларнинг билими хам айрим масалаларда уз савиясини йўқотади.

**Иккинчидан**, ходимлар уз иш жараёнларида молиявий назорат функцияларини амалга ошириши хамда уз ишида учраган хато ва камчиликларни очиб бериши керак. Афсуски, ходимлар куп холларда бундай ишларни бажаришини узларига эп курмайдилар натижада бўлим бошлиқлари ўртасида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин.

**Учинчидан**, ташкилот бўлимлари ўртасида узаро хамкорликни йулга қуиши лозим. Баъзида бир булинмада ички назорат тизими яхши йулга қуийлади бошқа бирида эса аксинча натижада яна ички назорат тизим самарадорлиги бузилади. Мазкур ҳолатларда корхона булинмаларига боғлиқ булмаган ички аудит хизматидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ булади.

Ички назорат тизимини баҳолаш корхоналарда қуидагича ҳисобланади.

1. Ташкилотнинг ички назорат тизими моделини ишлаб чиқиш, уни самарали ва ишончли баҳолаш элементларини корхонанинг ўзига хос

элементларини хисобга олиб, халқаро қабул қилинган стандартларга мувофиқ белгилайди;

2. Ташкилотнинг ички назорат тизими ҳолати буйича жорий маълумотларни туплаш (купинча ички аудит натижалари буйича фойдаланиладиган омилларни баҳолаш). Ички молиявий назорат самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари корхона рискини паст.

3. Қабул қилинган ички молиявий назорат тизими буйича мезонларни белгилаш ва улар бўйича ахборат мувофиқлигини таъминлаш. Ички молиявий назорат бўйича ишончли ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур булади.



#### **4-чиズма.Ички молиявий назорат тизимини баҳолаш принциплари<sup>10</sup>**

буйича ахборот мувофиқдигини таъминлаш. Ички молиявий назорат буйича ишончли ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

### **III.Боб.Молиявий назоратни самарадорлигини таъминлаш йуллари ва истиқболлари.**

#### **3.1.Давлат молиявий назоратининг қонунийлигини таъминлаш омиллари.**

Давлат молиявий назоратини ўтказишнинг қонунийлиги ва мустақиллиги тамойили унинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ тарзда назоратни ўтказишни таъминлайдиган хуқукий базанинг мавжудлигини ва молиявий назорат органларининг ташкилий, функционал хамда молиявий жиҳатдан мустақиллиги амалдаги қонунчилик билан таъминланишини назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасида Давлат молиявий назорати республика даражасида ва махаллий даражада амалга оширилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши назорат фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш туғрисида” ги ПФ-1503-сонли Фармони билан ташкил этилган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида” ги ПФ-3665-сонли Фармони билан тасдиқланган. Ҳозирда назорат органларининг сони 47 тани ташкил қиласди.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади. Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назорати Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари хамда давлат молиявий назорат органига бюджет туғрисидаги қонун хужжатлари бўзилганлиги фактлари туғрисида маълумотлар келиб тушган холларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида амалга оширилади. Бюджетлараро муносабатлар мураккаблашиб кетадиган бозор иқтисодиёти шароитида давлат молиявий назоратининг ахамияти янада ортади. Унинг мақсади давлат бюджет сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишига кумаклашиш, пул маблағларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш жараёнини таъминлашдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқсан холда шуни таъкидлаш жоизки, давлат молиявий назоратининг асосий вазифаларидан бири бу молиявий қонун хужжатларига риоя қилинишини, молиявий интизомни таъминлаш, бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилишига йул қўймаслик орқали давлат молиявий сиёсатининг амалга оширилишига кумаклашишдан иборатdir. Шу билан бир қаторда давлат молиявий назорати оптимал бюджет ва солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилиши хамда давлат бюджетига ва иқтисодиётнинг ривожланишига тушумларнинг максимал даражада ўсишини таъминлашга хизмат қиласди.

Молиявий интизомга риоя қилинишига эришиш воситаларидан бири молиявий назоратdir. Молиявий назорат тизимини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида шуниигдек қаътий рақобат муҳити қарор топаётган бир шароитда экологик муамоларни бартараф этиш мақсадида молиявий маблағлар факатгина давлат хисобидан амалга оширилиши муқаррар. Чунки экологик муаммо шундай бир хусусиятга эгаки, у чегара билмайди ва миллат ажратмайди. Уни бартараф этишга кетаётган харажатлар эквиваленти жуда хам паст булади, айримлари буйича эса қилинган харажатлардан умуман қайтим булмаслиги хам мумкин. Шу боис, ушбу

йуналишга хўжалик субъектлари ва шахслар куплаб маблағлар сарфламайдилар.

Мамлакатимизда хам бир вақтнинг узида уч хил куринишдаги экологик муаммолар мавжуд булиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши маҳаллий, ичимлик ва оқар сувларнинг қисман ифлосланиши ва айрим холларда етишмаслиги шулар жумласидандир. Шунингдек, Орол денгизи билан бевосита борлик, булган Оролбуйи минтақасидаги ҳолатни минтақавий экологик муаммо деб аташ мумкин.

Дунёда экологик муаммоларнинг пайдо булишига таъсир этган бош омил инсониятнинг илмий асосларга таянмасдан, табиатдан, транспорт воситаларидан нооқилона фойдаланиши, энг асосийси, янги ерларни узлаштириш мақсадида дарё сувларидан самарасиз фойдаланишидир.

Кайд этилган экологик муаммоларни бартараф этиш. Шу боис, барча давлатлар бизнинг давлатимиз хам утган асрнинг туксонинчи йилларидан бошлаб экология муаммоларига алоҳида эътибор бериб келмоқда, мамлакатимизда экологик муоммоларни бартараф этишга мулжалланган чора-тадбирлар давлат бюджети билан бир қаторда, турли ҳалқаро фондлар хисобидан амалга ошириб келинмоқда.

Умуман олганда, давлат уз дароматларининг аксарият қисмини солиқ толовчи субъектлардан солиқлар, шунингдек, солиқ, функциясини бажарадиган мажбурий бадал ва ажратмалар хисобидан шакллантириб, айнан шу солиқ, толовчилар ва уларга бевосита хамда алоқадор булган шахслар манфаатини ҳимоя қилиш учун юқорида акс эттан сарф-харажатларни амалга ошириб боради.

Бизнингча, бозор иқтисодиёти шароитида шуни унутмаслик зарурки, давлат даромадларини доимо ошириб бориш билан бир қаторда, харажатлар самарадорлигини ошириб бориш хам зарур булади. Харажатлар самарадорлигини яхши ва тулиқ, йулга қўйишда молиявий назоратни одилона ва оқилона ташкил этиш лозим. Бизнинг фикримизча, бунга эришиш учун қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ булади:

— биринчидан, режалаштирилган харажатларнинг зарурлиги ва устуворлигини аниқлаш лозим. Сунгра, молиявий ресурсларни мақсадли йуналишини қаттиқ, назорат қилиш, яъни бир моддада фойдаланилмаган молиявий ресурсларни бошқа бир моддада сарфлаш, фойдаланиш ҳолатларига қатъий бархам бериш;

— иккинчидан, давлат харажатарини амалга оширишда ошкоралик ва шаффофликни тулиқ таъминлашга (миллий хавфсизлик билан боғлик, булган харажатлар бундан мустасно) эришиш;

— учинчидан, давлат буюртмалари хисобига курилган йуллар, магистраллар, куприклар, бинолар ва иншоотларнинг қулами ва сарфланган маблағ хажмидан келиб чиқиб, бир йилдан беш йилгача булган муддат ичида пайдо булган нуксон ёки камчиликларни ижрочилар уз хисобидан бартараф этиши ёки тасдиқланган молиявий харажатнинг 1 фоизидан 20 фоизгача булган қисмини айнан шу муддат тугагандан сунг йуналтириш чоратадбирларини ишлаб чиқиши.

Мухтасар қилиб айтадиган булсак, молиявий назоратни давр талабига мос равишда ташкил этиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш, бугунги кун талабидир. Яна бир ҳолатни эътибордан чиқармаслик зарурки, молиявий назорат кумагида давлат харажатлари самарадорлигини юксалтириш, бир вақтнинг узида, жамиятнинг бощака субъектлари даромадларининг кескин ошишига ижобий таъсир курсатади.

### **3.2.Молиявий назорат тизимини мукамал ривожлантиришини таъминлаш имкониятлари.**

Бугунги кунда тадбиркорларнинг иқтисодий ва хуқуқий муҳофазасини таъминлаш, улар фаолиятини ривожлантириш давлат ахамиятига молик энг муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони билан тадбиркорлик субъектларига нисбатан асосий хуқуқий таъсир чораларини фақат суд қарорлари орқали амалга ошириш тартиби жорий қилинди.

Сир эмас, шу кунгача назорат қилувчи ва бошқа ваколатли органларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан мустақил таъсир чораларини қуллашга хуқуқлари, айрим мансабдор шахсларнинг курилаётган масалага бир томонлама ёндашуви, идоравий манфаатларни кузлаб иш тутиши ва уз вазифасини суиистеъмол қилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий зарап куриши ҳолатлари мавжуд эди.

2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини туттиши, уларнинг банклардаги хисобрақамлари буйича операцияларни чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жарималар қуллаш, пеня ҳисоблаш, мулкларини мусодара қилиш, маҳсус рухсатномаларни 10 кундан ортиқ, муддатга тухтатиб қўйиш ёки бекор қилиш каби хуқуқий чоралар фақат суд қарорлари билан хал этиладиган, масалага холисона ёндашган холда қабул қилинадиган булди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чоралар иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган муҳим қадам булиб, суд хуқуқ тизимини янада эркинлаштириш назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувини чеклаш, уларни ҳимоялашнинг хуқуқий негизини шакллантириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Шунингдек, Президент Фармонида назорат қилувчи идоралар раҳбарлари ва мансабдор шахсларига нисбатан тадбиркорлик субъектларини

уз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан бошқа масалалар буйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача булган чоралар куриш белгиланган булиб, бу чора албатта, уларнинг уз вазифаларига ҳалол ва профессионал равишда ёндашишига, ноқонуний хатти харакатларга йул куймасликка даъват этади.

Мазкур фармонга кадар тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини Молия вазирлиги, Прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кўрашиш департаменти режали текширувдан уtkазар эди.

Тадбиркорларни ортиқча безовта қилишни камайтириш, улар фаолиятини ривожлантиришга имкон бериш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини режали текшириш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан уtkазилиши, текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса Республика Прократураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кўрашиш департаменти идоралари томонидан текширув ўтказиш кузда тутилган.

Бу тартиб тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар сонини кескин равишда камайтириш имконини берди.

Жумладан, утган йилнинг иккинчи чораги давомида Молия вазирлиги 509 та, прокуратура идоралари 785 та ва Прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кўрашиш департаменти 234 та хўжалик субъектларида режали текширувлар утказган булса, мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Назорат қилувни идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгashi томонидан иккинчи ярим йиллиқда назорат қилувчи идораларнинг текширишлари қисқартирилди.

Молиявий назоратни такомиллаштириш мақсадида курилган яна бир муҳим чора бу муқобил текширишларни фақат жиноий иш кузгатилган ҳолатларда ва текширилаётган субъектга борилмасдан ўтказиш булиб, бу хол

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ортиқча аралашувларни камайтириш хамда мазкур текширувлар оқибатида хўжалик субъекти фаолиятига етказилиши мумкин булган молиявий заарнинг олдини олиш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисидаги Фармонининг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармоннинг асосий мақсади текширувлар сонини кескин камайтириш ва назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини янада кучайтиришга қаратилган.

Аввал микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини хар икки йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини хар йили режа асосида текшириш имкони булса, мазкур Фармонга асосан микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини турт йилда купи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса хар уч йилда купи билан бир марта режа асосида текширишга рухсат берилди.

Мисол учун, кичик корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти 2005 йилда текширувдан утказилган булса, унинг молиявий хўжалик фаолиятини режа асосида факат 2016 йилда текширишга йул қуйилади.

Янги талаблардан келиб чиқсан холда, Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгаши томонидан текширув утказилганлигига турт йил тулмаган 1966 та микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлиари хамда текширув утказилганлигига 3 йил тулмаган 348 та бошқа тадбиркорлик субъектлари жорий йилнинг IV чораги учун режалаштирилган жадвалдан чиқариб ташланди.

Шунингдек, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини, улар давлат руйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилишининг тақиқланганлиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг бошлангич даврида дуч келаётган айрим тусиқларнинг уз-узидан бархам топишига ва иқтисодий ахволининг яхшиланишига имкон яратади<sup>11</sup>.

Мазкур Фармонда назорат органларининг мансабдор шахслари масъулиятини оширишга қаратилган бир қатор чоралар белгилаб утилган.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилса ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилса етказилган иқтисодий заарнинг урни текширувчи субъект томонидан копланиши, бундай текширувни ташкил қилган шахс эса жиноий жавобгарликка хам тортилиши курсатиб утилганлиги мамлакатимизда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга нақадар муҳим ахамият берилаётганлигининг ифодасидир.

---

<sup>11</sup> Б.Мусаевнинг Молиявий назорат тизмининг мустаҳкамлиги мақоласидан.

### **3.3.Молиявий назоратни самарали ташкил этиш иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари.**

Молиявий назорат тизимини такомиллаштириш йулидаги муҳим кадамлардан бири, кўшимча хисоботни ноқонуний талаб этиш учун қатъий жавобгарлик белгиланганлиги хамда халқаро амалиётга мувофиқ, хисобот тақдим этиш тартибининг соддалаштирилгани булди.

Ушбу йуналишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш туғрисида»ги Қарори билан микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқлар йиғимлар ва бошқа мажбурий толовлар буйича хисоб-китобларни давлат солиқ, идораларига чоракда бир маротаба тақдим этиб бориш имконияти берилди.

Жумладан, давлат солиқ, идораларига чорак давомида ягона солиқ толовчилар 10 марта катнаб 14 та, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари хамда ягона ер солиги толовчи корхоналар 8 марта купайиб, 13 тадан хисоб-китоблар тақдим этган булсалар, утган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, чорақда бир маротаба купайиб, 5-6 тадан хисоб-китобларни тақдим этишмоқда.

Ушбу тадбирлар бир томондан, ортиқча молиявий назорат усулинни қисқартирган булса, иккинчи томондан, республика буйича жами руйхатдан утган хўжалик юритувчи субъектларнинг 88 фоиздан зиёд қисмини ташкил қилган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг вақти ва маблағларини тежашга хизмат қиласди.

Шу билан бирга, жавобгарликни қуллашнинг халқаро умум хуқуқий принципларидан келиб чиққан холда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасицаги хуқуқбузарлклари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш туғрисида»ги Фармони билан тадбиркорлик фаолиятини

амалга ошириш учун янада қулай хуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилди.

Мазкур Фармонга қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган хуқуқбузарликни қасдан қилинмаганлиги, катта-кичиликлиги, қисқа муддатда қопланган холда оқибатлари бартараф этилганлигидан катъи назар уларга нисбатан молиявий жарималар қулланилиб келинган эди.

Масалан, давлат солиқ идоралари томонидан тадбиркорлик субъектида утказилган текширув натижасида қушимча хисобланган солиқ суммаси, пеняси билан бирга аниқланган куннинг узида ихтиёрий қоплаб берилсада, қушимча хисобланган солиқка нисбатан 10 фоиз миқдорида жарима қулланилган.

Фармонга биноан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий туловларни туламаганлик учун содир этилган хуқуқбузарлик туфайли етказилган заарнинг урнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда коплаган хамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тулаган тақдирда молиявий жарималар қулланишидан озод этилиши белгилаб қуйилди.

Таъкидлаш зарурки, содир этилган хуқуқ бузарликлар сабабли етказилган зарар ва унинг оқибатлари урнининг ихтиёрий равишда коплаб берилиши учун молиявий жарималар қулланилмаслиги, уз навбатида, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўшимча аниқланган мажбуриятларини қисқа муддатда қоплаб беришга рағбатлантиради.

Шу билан бирга, қонун хужжатларини соддалаштириш, маъмурий сарф харажатларни камайтириш, рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш орқали молиявий назорат тизимининг такомиллашуви тадбиркорликка кенг йул очишдаги устувор вазифаларни хал этиш имконини беради.

Мазкур йуналишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 21 сентябридаги «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини

соддалаштириш туғрисида»ги Қарорига мувоғиқ 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қонун хужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шуғуланиш учун лицензиялар камида 5 йил муддатга берилиши белгиланди.

Аудиторлик, тиббиёт, фармацевтика, ветеринария, йуловчи ва юк ташиш, заргарлик, баҳолаш, сугурталаш, биржа, ломбард, сайёхлик ва қимматбаҳо коғозлар бозорида фаолият юритиш каби алоҳида фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган муддатга берилиши, шунингдек, мазкур йуналиш учун аввал берилган лицензиялар чекланмаган муддатга берилган деб, хисоблаш кузда тутилди.

Қисқа муддатли автомашина сақлаш, чакана савдо фаолияти хамда кичик бизнес субъектлари томонидан табиий газдан фойдаланиш кабилар учун рухсатномалар олиш, шунингдек хўжалик субъектлари фаолиятини тугатиш комиссияси таркибини, оралик якуний ва тулиқ якуний хисботларни хамда умумий овқатланиш шоҳобчалари иш вақтини давлат руйхатидан утказувчи орган билан келишиш каби жараёнлар хам бекор қилинди.

Юқоридаги барча қулайликларнинг хаётга татбик қилиниши, бир томондан, тадбиркорлик субъектлари олдиғаги бюрократик тусиқларга бархам берса, иккинчи томондан, уларнинг маъмурий сарф-харажатларини камайтиради.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай хуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар узи, уз оиласи, бутун мамлакат ихтисодиётининг равнаки йулида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар». Хулоса қилиб айтганда молиявий назоратни орқали давлат бюджет маблағларини самарали ва мақсадлт фойдаланиши молиявий барқарорликни таминлашни муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

## **IV.Боб. Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари**

### **4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳукуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкўр масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бераб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалоқатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, ҳалқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарап кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар қўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

## **4.2. Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлими ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари**

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий қўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичida муҳим ўрин тутади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)<sup>12</sup> кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кўзатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият қўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут

---

<sup>12</sup> Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

ёки соат ичидә жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарлы ҳид ҳамда газлар атмосферага құтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг ҳавфсиз бажариш усуllibарини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласди.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини қўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим обьектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат обьектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин ҳавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва обьектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оғоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин ҳавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги обьектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки

асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, обьектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинг арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойихалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳукуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан обьектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий

фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажralиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м<sup>2</sup>/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласи. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин қўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва

кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вақилларини жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гурухланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

#### **4.3. Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари**

Фавқулодда вазият (ФВ)<sup>13</sup> — маълум ҳудудда юз берган фалоқат, ҳалоқат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига қўра, қўйидаги гурухларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;
- г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гурухга бўлинади:

- 1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
- 2 Маҳаллий ФВ;
- 3 Республика (миллий) ФВ;
- 4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан

---

<sup>13</sup> Фавлукотда вазият кейингиларда-ФВ

ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган худуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарап ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон худудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гурӯҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалоқатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиласидиган авиа ҳалоқатлар;

Ёнфинга, портлашга, харакатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалоқат худудидаги темир йўл

платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалоқат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалоқат ва фалоқатлар;

Портлашларга, ёнгинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг заарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалоқати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалоқатлар, авариялар, ёнгинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

## 2) Кимёвий хавфли обьектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл кўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ микдорда санитария — ҳимоя ҳудудидан четта чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли обьектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

3) Ёнгин, портлаш хавфи мавжуд бўлган обьектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портрайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган обьектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнгинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишининг маҳсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридағи ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЕС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидағи электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидағи, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидағи ва бошқа энергия таъминоти обьектларидағи авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидағи, сув чиқариш иншоотларидағи, сув қувурларидағи, қанализация ва бошқа коммунал обьектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдиувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидағи, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидағи авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлеми билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошибинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги обьектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя худуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган қўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган обьектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалоқатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва қаналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги обьектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласидаган ҳалоқатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалоқатли кўчқилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилishi ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсиқантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестициidlар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво муҳитининг қуидаги ингридиэнтлар билан экстремал юқори

ифлосланиши:

- олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;
- кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;
- радиациянинг юқори даражаси.

### 3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалоқатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажralиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалоқатлар;

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалоқатлар;

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;

7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан ахолини, худудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

#### **4.4. Самарканд туман ҳокимлиги молия бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-кувватни тиклаш, санаторий-кўрорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemorlarни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқка эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки

касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва қуиган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учариш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирамайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибини белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирамайдиган қилиб қўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

## **Хулоса ва таклифлар**

Бозор иқтисодиёти шароитида шуни унутмаслик зарурки, давлат даромадларини доимо ошириб бориш билан бир қаторда, харажатлар самарадорлигини ошириб бориш хам зарур булади. Харажатлар самарадорлигини яхши ва тулиқ, йулга қўйишда молиявий назоратни одилона ва оқилона ташкил этиш лозим. Бизнинг фикримизча, бунга эришиш учун қўйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ булади:

- биринчидан, режалаштирилган харажатларнинг зарурлиги ва устуворлигини аниқлаш лозим. Сунгра, молиявий ресурсларни мақсадли йуналишини қаттиқ, назорат килиш, яъни бир моддада фойдаланилмаган молиявий ресурсларни бошқа бир моддада сарфлаш, фойдаланиш ҳолатларига Катъий барҳам бериш;
- иккинчидан, давлат харажаларини амалга оширишда ошкоралик ва шаффофликни тулиқ таъминлашга (миллий хавфсизлик билан боғлик, булган харажатлар бундан мустасно) эришиш;
- учинчидан, давлат буюртмалари хисобига қурилган йуллар, магистраллар, куприклар, бинолар ва иншоотларнинг қулами ва сарфланган маблағ хажмидан келиб чиқиб, бир йилдан беш йилгача булган муддат ичида пайдо булган нуқсон ёки камчиликларни ижрочилар уз хисобидан бартараф этиши ёки тасдиқланган молиявий харажатнинг 1 фоизидан 20 фоизгacha булган қисмини айнан шу муддат тугагандан сўнг йуналтириш чоратадбирларини ишлаб чикиш.

Мухтасар қилиб айтадиган булсак, молиявий назоратни давр талабига мос равишда ташкил этиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш, бугунги кун талабидир. Яна бир ҳолатни эътибордан чиқармаслик зарурки, молиявий назорат кумагида давлат харажатлари самарадорлигини юксалтириш, бир вақтнинг узида, жамиятнинг бошақа субъектлари даромадларининг кескин ошишига ижобий таъсир курсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан, ҳолда қуидаги хulosаларни чиқариш мүмкін, яғни:

— Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг узвийлиги ва барқарорлигини таъминлашда у ёки бу шаклдаги текширишни муваффақиятли ўтказиш учун ички аудит хизматини ташкил қилиш зарур.

— Мамлакатимизда ички аудит соҳасида фаолият юритиш учун аудиторларга сертификат беришда АКШ тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ булар эди. Унга кўра сертификатлаш имтихони икки кунга белгиланиб:

- а) ички аудит назарияси ва амалиёти,
- б) бошкарув назарияси, математик усуллар ва ахборот технологиялари;
- в) бухгалтерия хисоби молия ва икгисодиёт фанлари буйича угказилади.

Бизнинг фикримизча, ушбу жараён оркали уз ишини устаси булган профессионал ички аудит ходимини танлаш имконига эга булинади.

— Хужалик юритувчи субъекгда текширув ўтказиш жараёнида аудиторнинг диққат эътиборини "Инқирозга қарши чоралар дастури"да белгиланган вазифаларга қаратиш мақсадга мувофиқ булар эди. Бунда:

биринчидан, корхоналар ишлаб чиқаришининг давомийлигири белгилаш мақсадида уларни модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлаб бориш учун корхона жамгармасини назорат қилиш;

иккинчидан, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини катый назорат остига олиш хисобига тежамкорликка эътибор қаратиш каби ички аудит назоратига кўшимча киритиш фойдадан ҳоли булмас эди.

Молиявий назоратни амалга ошириш жараёнида пенсия таъминоти, уларга нафақалар тайинлаш ва тулаш, ижтимоий хизматлар хамда ёрдамлар курсатиш фаолиятининг хуқуқий асослари такомиллаштирилиши, бу соҳадаги муносабатларни қонунчилик оркали тартибга солиш ижтимоий ҳимояни амалга оширувчи давлат ва жамоат органлари фаолияти шаффоф булишига, уларнинг иши устидан давлат хамда жамоат назорати кучайишига, фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти юксалишига олиб

келиши аниқ. Юқоридаги фикр мулохазаларни умумлаштирган холда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилишда қўйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Пенсия тизими фаолиятида молиявий назорат самарадорлигини ошириш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларини Пенсия жамғармасининг худудий бўлимлари билан боғлаш (электрон маълумот алмашинув орқали боғланиш) чора тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ булар эди. Чунки ФХДЁ органларида фуқароларнинг улим ҳолатлари кайд этилиши туғрисидаги маълумотнинг Жамғарма худудий бўлимларига тезрок етиб бориши билан ходимлар иш фаолиятида ортикча вақт сарфлаш ҳолатлари бирмунча бартараф этилиши мумкин булади.

2. Пенсия жамғармаси бюджети харажатлар қисмини молиялаштиришнинг узок муддатли барқарорлигини таъминлаш учун пенсияни хисоблаш даражаси, пенсия хуқуқини индексациялаш механизмини ва тайинланган пенсияларни оптималлаштириш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ булар эди.

3. Молиялаш манбалари билан таъминланмаган муддатидан илгари пенсияга чиқиши тугатиш Пенсия жамғармаси даромадларининг бирмунча купайишига олиб келиши мумкин.

4. Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари фуқароларни ихтиёрий пенсия бадаллари хисобига хам шаклланишини хисобга олиб, ихтиёрий пенсия бадалларини рағбатлантириш мақсадида, жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига ихтиёрий тулангандан бадал суммалари республикада иш хаклари миқдорлари оширилган ҳолатларда мутаносиб равишда ошириб борилишини таъминлаш пенсия тизими ислоҳатида ижобий натижага эришиш мумкин.

5. Узок муддатда давлат пенсия тизимидан юкни камайтириш мақсадида хусусий жамғарилиб борадиган пенсия жамғармаларини ташкил этиш ва ривожлантириш лозим булади. Бу мақсадда хусусий жамғарилиб борадиган

пенсия жамғармаларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга соладиган хуқуқий асосларни яратиш фуқаролар пенсия тизимида янада кафолати таъминот урнатилишига хизмат қилиши мумкин булади.

6. Аҳолининг ўртача умр қуриш даражаси усиб бораётганлиги нуқтаи назаридан пенсияга чиқиши ёшини босқичма-босқич ошириб бориш ва шу билан бирга Ўзбекистонда пенсия ислоҳатининг кейинги босқичларида аёллар ва эркаклар пенсияга чиқиши ёшини бир хил қилиш мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2016 й.
2. Ўзбекистан Республикасининг Солиқ Кодекси -Т.: Адолат, 2016 й.
3. “Бюджет кодекси” Ўзбекистон Республикасининг 26 декабрь 2013 йилда ЎРҚ 360 – сонли Қонуни билан тасдиқланган, <http://www.lex.uz>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори.
8. Ш.М.Мирзиёевнинг Вазирлар Махкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини хар томонлама таҳлил қилиш хамда республика хукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йуналишлари ва устувор вазифаларини белгилашга багишлиган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан, 2017 йил 14 январь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-2016 йиллардаги ПҚ-1449, ПҚ-1675, ПҚ-1887, ПҚ-2099, ПҚ-2270, ПҚ-2455, ПҚ-2699-сонли қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2753-сонли “Иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тулаш механизмини

такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Қарори, 2017 йил 2 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 6-сон буйругига Илова: “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа туловларни тулашни ташкил этиш тартиби туғрисидаги Йуриқнома”, №2657, 2015 йил 30 январь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги 4161 - сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги фармони асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизасия қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1257 сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1604 сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш марказини ташкил этиш тўғрисида” №ПФ-1414-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида” №ПФ-1503 Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида” ПФ-3093 Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-3592-сонли Фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 1 августдаги ПФ-1827-сонли фармони билан тасдиқланган “Республика пул-кредит сиёсати комиссияси тўғрисида Низом”.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114-сонли фармони билан тасдиқланган “Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида Низом”.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-311-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кўрашиш Департаменти тўғрисида Низом”.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги Низом”.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-414-сон Қарори.
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартағи “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 87-сонли Қарори.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисида Низом”.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тўғрисида Низом”.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги Низом”.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида Низом”.
29. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сон қарорига билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисида Низом”.
30. Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар.
31. Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар.
32. Бюджетнома. “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида” ги масалага доир материаллар.
33. Бочаров В.В., Леонтьев А.Л., Радковская Н.Р., Финансы, учебник для вузов - СПб; 2009.
34. Вахобов А. Срожиддина 3., Государственный бюджет. Учебник. – Т.: Iqtisod- moliya. 2007.
36. Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўкув қўлланма, 2008 й.
37. Ибрагимов А., Сугирбаев Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўкув қўлланма – Тошкент, 2009 й.
38. Маликов Т.С., Вахобов Д.Р. Молия: чизмаларда: ўкув қўлланма. - Тошкент. Иқтисод-молия, 2010 й.
39. Мусаев Б., Срожиддина З., Контрольно-экономическая работа финансовых органов. Т.: Iqtisod-moliya, 2006й.

- 40.Норқобилов С., Дадабоэва Х., Жўраэв Ў. Халқаро амалиётда банк назорати, Т. Иқтисод-молия, 2007 й.
- 41.Родионова В.М., Шлейников В.И., Финансовый контроль. Учебник. -М.: ИД. ФБК. -ПРЕСС, 2002.
- 42.Финансовое право: Учебник под редак. проф. О.Н. Горбунова. - М.: Юрист, 1996.й.
- 43.Хайдаров Н.Х. Молия. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия 2001 й.
- 44.Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.: Академия, 2005 й.
- 45.Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод – молия. 2005 й.
- 46.Яхшибоев F.Қ. “Молиявий назорат”. Услубий қўлланма Т.: Иқтисод-молия, 2007 й.
47. Нарзиқулов М. Ўзбекистон Молия тизими ning мустақил 25 йил давомидаги тараққиёт йули. / Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган Республикаси илмий - амалий конференциясининг материаллари тўплами. Т.: 2016 й.
- 48.Давлат молияси тизими, Норматив-хукуқий хужжатлар тўплами, 3 жилдлик, Т.: Ўзбекистон, 2002й.
- 49.Интернет сайtlари:**
- [http://www.gov.uz.,](http://www.gov.uz.)
- <http://www.mf.uz., uz.,>
- <http://www.edu.uz.>